

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ХУДУДЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

б) **инвесторлар:** лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг (ТИА, чизмалар ва бошқалар) тайёрлиши ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилишга оид лойиҳаларнинг концепцияси, лойиҳа-смета ҳужжатларини "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ қурилиш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш харajatлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини ўз маблағлари ёки қўнунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади;

уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган санадан бошлаб шартномада келишилган муддатга етиштирилган махсулотларни ташқи ва ички бозорларда сотиш ва ҳисобини юритиш ишларини амалга оширади;

давлат шериги ва ташаббускор аҳоли билан тузилган шартномалар шартларига амал қилади;

уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган санадан бошлаб келишилган муддат ва миқдорда хизмат ҳақи тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва ташаббускор аҳоли фаолият юритаётган уй-иссиқхона мажмуасини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддати тугагандан сўнг давлат шеригига ўтказилган ҳолда бепул тарзда ташаббускор аҳолига белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди;

в) **ташаббускор аҳоли:**

уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган санадан бошлаб келишилган муддатга тузилган шартнома асосида уй-иссиқхона мажмуаларида ўзини ўзи банд қилган ҳолда фаолият олиб боради ҳамда уларда махсулотлар етиштириш билан шуғулланади;

келишилган муддат якунланганидан сўнг уй-иссиқхона мажмуаларини мулк ҳуқуқи асосида, улар жойлашган ерни ижара ҳуқуқи асосида (ижара шартномасининг амал қилиш муддати) бепул қабул қилиб олади ҳамда келгусида ундан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлайди.

4. Белгилангани:

а) **ташаббускор аҳолини танлаш** инвесторлар ва туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилади;

б) ташаббускор аҳоли ва инвесторларнинг талаблари ҳамда имкониятларидан келиб чиқиб, улар ўртасида тузилган шартнома асосида иссиқхоналар қурилиши уларнинг хонадонлари ва томорқаларида томонларнинг ўз маблағлари, шунингдек, қўнунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) **уй-иссиқхона мажмуалари қурилиши учун:** инвесторларнинг ўз маблағлари ва қўнунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар жалб этилади;

ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини (газ, сув, электр энергияси, ички йўл) тортиш ишлари маҳаллий ҳокимликларнинг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари буюртмалари асосида амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида "Эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ҳамда қўнунчиликда белгиланган

тартибда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш" йўналиши учун назарда тутилган марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуаларида махсулот етиштириш билан шуғулланаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4742-сон қарорида белгиланган имтиёзлар ва шарт-шароитлар таъбиқ этилади.

5. Қўйилди:

уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш учун хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган йилгиладиган алоҳида қисмлардан иборат тайёр ҳолдаги замонавий иссиқхоналар 2021 йилнинг 31 декабрига қадар божхона божидан озод қилинсин;

иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуаларини ишлаб чиқариш учун хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, хом ашёлар ва бутловчи қисмлар 2023 йилнинг 31 декабрига қадар божхона божидан озод қилинсин;

иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуалари учун ер солиғи ставкалари ҳамда уй-иссиқхона мажмуалари таркибидagi тураржойлар учун мол-мулк солиғи ставкалари улар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб уч йил давомида 50 фоиз миқдорда ўрнатилсин.

Бунда импорт қилинадиган товарларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши тўғрисида экспертиза хулосаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК томонидан берилсин.

6. Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича туман ҳокимликлари, инвесторлар ва ташаббускор аҳоли ўртасида тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг намунавий шаклини тайёрлаб, икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этсин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг намунавий шаклига уй-иссиқхона мажмуаларини инвесторларнинг фойдаланиш муддати ҳамда уй-иссиқхона мажмуасида тураржой ва иссиқхонанинг майдони оид ва бошқа шартлар киритилсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

уй-иссиқхона мажмуалари қурилиши учун қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари, захирадаги ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва тоқзорлар жойлашган бўш ер майдонларини аниқласин;

битта майдонда камида 100 та уй-иссиқхона мажмуасининг жойлаштирилишини назарда тутган ҳолда, уларнинг жойлаштирилиши бўйича манзилли дастур лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган манзилли дастур асосида инвесторларга уй-иссиқхона мажмуалари

қурилиши учун ер майдонларининг белгиланган тартибда ижара ҳуқуқи асосида ажратирилиши таъминласин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги уй-иссиқхона мажмуалари учун ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини (газ, сув, электр энергияси, ички йўл) тортиш ишларини молиялаштириш мақсадида марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан маблағлар ажратирилиши таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қўйилди улар бундан асосланган тақлифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

хорижий компаниялар ва малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Бухоро туманида "Замонавий иссиқхона хўжалиги" кўргазмали семинарини ташкил этиш ҳамда унинг доирасида соҳадаги муаммо ва ечимларга қаратилган халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказсин;

иссиқхона хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уручлик, навчиллик, лаборатория ва логистика масалаларини қамраб оладиган кластер тизимини жорий қилиш;

соҳадаги олий таълим ва профессионал таълим муассасаларида замонавий **иссиқхона хўжалигини** ташкил этиш, уларда касалик ва зараркунандаларга қарши курашининг **самарали усуллари** ўқитишни йўлга қўйиш;

б) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик танлови доирасида "Энг илгор иссиқхона хўжалиги" номинатсиясини жорий этсин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда замонавий иссиқхона хўжаликларининг аҳамияти, имкониятлари ва қулайликларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилсин. Бунда иссиқхона ва уй-иссиқхона мажмуалари фаолиятини ёритиш ҳамда кенг тарғиб этишга бағишланган кўргазмали нашрлар ва услубий қўлланмаларни яратиш ҳамда аҳолига тарқатиш чораларини кўрсин.

Ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жағфармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Маҳалла", "Ўзбекистон 24", "Ёшлар" ва маҳаллий телеканалларда замонавий иссиқхона хўжаликларини қуриш, ресурс тежовичи илгор технологияларни кенг жорий этишга оид махсус кўрсатувлар ташкил этилишини ҳамда мунтазам намойиш этиб борилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишда **масъул ва шахсий жавобгар** энтиб иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М.Холжўаев белгилансин.

Қарор ижросини **ҳар чоракда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш** ва **назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 7 июнь

ҲАФТА МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАРГА БОЙ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

Бундан ташқари, ер муносабатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу соҳада тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, очликни таъминлаш бўйича қўшимча чоралар белгиланяпти. Митча-жада ерга бўлган мулк ёки ижара ҳуқуқи аукцион орқали сотилади. Қишлоқ хўжалиги ерини ижарага бериш бўйича очик танлов яқини вилоят ҳокими қарори билан тасдиқланади, туман ҳокимлиги ва ғолиб ўртасида ижара шартномаси электрон шаклда тузилади.

Ҳафта давомида минтакавий аҳамиятга молик воқеалар ҳам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июнь куни Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали суҳбатлашди.

4 июнь куни давлатимиз раҳбари ушбу мамлакат Сенати Раиси Маулен Ашимбаевни қабул қилди. Мулоқотларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Брифингда ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси

Президенти томонидан бир неча ҳужжатлар имзоланганига эътибор қаратилди ва уларнинг мазмун-моҳиятига ҳам қисқача тўхталиб ўтилди.

Президент Матбуот қотиби Шерзод Асадов жорий ҳафта давомида кутилаётган муҳим тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берди.

Жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш дастури юзасидан тақдимот, чорвачилиқни ривожлантириш ҳамда озуқа базасини қўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 10-11 июнь кунлари Тожикистонда расмий ташриф билан боради. Асосий музокаралар ташрифининг биринчи кунини Душанбе шаҳрида бўлиб ўтади. Ташрифининг иккинчи кунини Хўжанд шаҳрида қатор тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Яқунда Ш. Асадов журналистлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳамкорлик ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Жаҳондаги 200 дан ортиқ мамлакатлар ўз миллий манфаатлари нуқтаи назаридан бошқа давлатлар билан муносабатга киришиб, дўстона алоқаларни амалга оширади. Умумий манфаатлар давлатлараро муносабатларни шакллантиради, ҳамкорлик ришталарини ривожлантиради.

Эътиборга молик жиҳати, Марказий Осиёнинг муҳим давлатлари ҳисобланган Қозғистон ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича позициялари ўзаро ўхшаш ҳамда яқиндир. Бунинг сабаби икки қўшни мамлакат халқларининг илдизи умумий тарихга, маданияти, қаму қариндошлиғи, азалдан ёнма-ён яшаб шакланган дўстлик ва қардошлик ришталарига асосланганлигидан бўлса ажаб эмас.

Ўрни келганда қайд этиш керак, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ишончли ва конструктив мулоқот тусига кириб, икки томонлама алоқаларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базаси яратилган. Тенглик, ўзаро тушуниш, ҳар томонлама ҳамкорлик, ишонч таъминлилари асосида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон — Қозғистон ижтимоий, иқтисодий алоқаларда парламентлараро ҳамкорлик ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ҳар икки давлат парламентларида ҳамкорлик гуруҳлари ташкил қилинган. Улар ўртасида ташрифлар алмашинуви йўлга қўйилди.

Утган ҳафтада Қозғистон Республикаси Сенати Раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги парламент делегацияси

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасига ташриф буюрди. Ўтказилган мулоқотда қўйи палата депутатлари ҳам иштирок этди. Учрашувда томонлар ўртасида ундан ортиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қозғистон Сенати аъзоларининг Қўнунчилик палатаси фаолияти билан танишуви жараёнида меҳмонлар қўйи палата кутубхонаси ёрқин таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади. Кутубхонанинг китоб фонди, ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, хусусан, унинг бутунжаҳон илмий-таълим маълумотлар базалари — "Library Press Display", "JSTOR", "East View", "Springer Link", "ProQuest" каби тармоқларга улангани эътироф этилди.

Ўзбекистон — Қозғистон парламентлараро алоқалари давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга, минтақада тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт таъминлиганишига хизмат қилади ҳамда бу борада ҳар икки мамлакатнинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасида

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан эшитув ўтказилди. Унда Энергетика вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Автомобиль йўллари кўмитаси мутасадди раҳбарларининг "Соҳада жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларида кўтарилган масалаларнинг ҳолати тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Дастлаб энергетика вазири ўринбосари Бехзод Норматов энергетика соҳасига оид масалаларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўланган мурожаатларнинг ечимига қаратилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берди.

Бугунги кунда юртимиз бўйича 7 миллион 400 минг аҳоли хонадони электр энергияси билан таъминланганлиги қайд этилди. 3 миллион 546 минг хонадон табиий газдан, 3 миллион 580 мингга эса суулотрилган газдан фойдаланяпти. Шу билан бирга, истеъмолчиларга бир кеча-кундузда 200 миллион киловатт-соат электр энергияси етказиб берилаётир. Бу 2016 йилдагига нисбатан қарийб 35 фоизга кўпдир. Қўрсаткичлар сўнгги тўрт йил ичида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳисобига аҳоли турмуш даражасининг ва унга мос равишда энергия ресурсларига эҳтиёжинг жадал ўсаётганлигини кўрсатади.

Шу йилнинг 5 ойи давомида вазириликка бевосита жисмоний ҳамда юридик шахслардан 1 минг 324 та мурожаат тушган. Шундан, 599 таси электр энергияси, 383 таси табиий газ ва суулотрилган газ таъминоти ҳамда 342 таси бошқа масалалар оид. Ушбу мурожаатларнинг 1 минг 221 таси бўйича муаммолар ҳал этилган. Қолган тушунтирилган берилган. Қолган 103 таси вазирилик ҳамда ташкилотларда кўриб чиқилмоқда.

Аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, электр энергетикаси соҳасида, биринчи навбатда, йил якунига қадар генерация қувватлари ҳажмини 14 минг мегаваттдан 15 минг 800 мегаваттга етказиш режалаштириляпти. Бунинг учун Тошкент вилоятида қуввати 240 мегаватт бўлган иссиқлик электр станцияси, Хоразм вилоятида 174 мегаватт газ-поршеньли электр станцияси, Навоий вилоятида 100 мегаватт қувватли қуёш электр станцияси октябрь ойида ишга туширилади. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 377 та маҳалла-

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан видеоконференцалоқа шаклида "Гендер тенгликка эришиш стратегияси: мазмун ва моҳият" мавзусида ўқув соати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси аъзолари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходимлари иштирок этди.

Гендер тенглик

Парламент юқори палатасининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялли мажлисида кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси тўғрисида тўхталиб ўтди. Хусусан, мамлакатимизда сўнгги йилларда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қўнун ҳужжати қабул қилингани, сиёсий партиялардаги хотин-қизлар улushi 44 фоизга, олий таълим соҳасида 40 фоизга, тадбир-

корликда 35 фоизга етгани, хотин-қизлар ахборот-коммуникация, инновация, энергетика, муҳандислик соҳаларига кенг жалб этилаётгани юзасидан маълумот берди.

Қайд этилганидек, айни пайтда бошқарув лавозимидagi хотин-қизлар улushi 27 фоизга етди. 81 та вазирилик ва идорада илгор ҳамда билим-ли аёллардан иборат 15 мингдан зиёд кадрлар захираси шакллантирилган.

Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида "аёллар дафтари" тизими жорий этилди. Шу-

ХАЛҚАРО ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ИШТИРОКЧИСИ

Парламент дипломатияси мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш, миллий қўнунчиликни халқаро ҳамкорлик талаб-таъминлилари билан уйғунлаштиришда муҳим ўрин тутди. Шу маънода, сўнгги йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ечишда Олий Мажлис палаталарининг иштироки ҳамда роли тобора ортиб бормоқда. 2020 йилнинг 25 сентябрь куни тасдиқланган Олий Мажлис палаталарининг "Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси тўғрисида"ги қўшма қарори эса парламент дипломатиясини ривожлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Эътироф

Таъкидлаш жоиз, бу борадаги ишлар тизимли ташкил этилгани боис концепцияда белгиланган вазифалар муваффақиятли ижро қилинётир. Жумладан, қисқа вақт ичида Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси 50 дан ортиқ давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳларини тузишга эришди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеялари, шунингдек, Парламентлараро Иттифок каби нуфузли халқаро тузилмаларнинг фаол ҳамда ташаббускор иштирокчисига айланди.

COVID-19 пандемияси натижасида вужудга келган чекловларга қарама-қарсисин ҳамкорлик гуруҳларининг мулоқоти видеоконференция тарзида мунтазам давом этириляпти. Жа-нубий Корея ва Индонезия Республикаси парламент аъзоларининг мамлакатимизга, ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати Раиси ҳамда Қўнунчилик палатаси Спикери ва Спикер ўринбосарлари бошчилигидаги делегация аъзоларининг Россия, Тожикистон, Покистон давлат-

ларига ташрифи амалга оширилди. Айниқса, парламент аъзоларининг энг нуфузли халқаро парламентлараро тузилмаларда иштирок этиши ҳамда мавзуга лавозимларга сайланиши давлатимиз томонидан очик, дўстона ва прагматик таъминлилари асосланган ташқи сиёсат юритилаётгани, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги амалда қаулолатланганлигидаллолат беради. Бундай саяҳат-харакатларимиз эса дунё ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Ун йиллик танаффусдан сўнг, яъни 2017 йилда Ўзбекистоннинг парламентарийларининг энг нуфузли институти ҳисобланган Парламентлараро Иттифок аъзоллигига қайта тиклангани парламентимиз нуфузини ошириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирда таркибиде 179 та давлат бўлган, 1889 йилда ташкил топган Парламентлараро Иттифок сиёсий муҳокама мақсадида асос қилинган илк халқаро ташкилот бўлиб, парламентлараро мулоқот учун энг катта платформа ҳисобланади.

Қисқа вақт давомида Ўзбекистон парламенти мазкур нуфузли тузилмада ўз ўрнига эга бўлди. Жумла-

дан, 2020 йилнинг 30 январь куни Парламентлараро Иттифок (ПИ) Ижроия кўмитаси бошқарув органларини янги таркибинини шакллантириш доирасида Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов ПИ вице-президенти ҳамда Молия бўйича кичик кўмита аъзоси этиб тайинланди ва бу халқаро ҳамжамият томонидан илқ қарши олинди.

Парламентлараро Иттифок Ассамблеясининг шу йил 25 — 28 май кунлари бўлиб ўтган "Пандемияни бугунги кунда енгиб ўтиш ва эртанги кунни яхшироқ қуриш: парламентларнинг ўрни" мавзусига бағишланган 142-сессияси миллий парламентимиз учун ҳам тарихий кун бўлди, десак муболага эмас. Унда Қўнун-

чилик палатаси депутатлари Абдулла Аслонов Парламентлараро Иттифокнинг Ёш парламентарийлар форуми, Мадина Баратова Барқарор ривожланиш бўйича доимий кўмитаси ҳамда Нодир Тилаволатиев Демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича доимий кўмитаси аъзоллигига Евроосиё минтақасидан сайланди. Икки йил муддатга кўмита ҳамда форум аъзоллигига сайланган депутатларимиз нуфузли халқаро аренада ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини намўён этиш, мамлакатимизда демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ислохотларни халқаро жамоатчиликамга етказиш билан бир қаторда, ушбу йўналишда хорижийлик ҳамкасблари билан фикр, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентлараро мулоқот механизмлари ҳаётий зарурат экани ўз тасдигини топмоқда. Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, парламентлараро ҳамкорликка янги, прагматик мазмун ва аҳамият бахш этиш имкониятларидан самарали фойдаланяётгани ҳамда бу борадаги ишларни тизимли олиб бориш муҳим аҳамият касб этди.

Нодир ТИЛАВОЛАТИЕВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати,
Парламентлараро Иттифокнинг Демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича доимий кўмитаси аъзоси.

Мунисхон ҚАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

JOINT STOCK COMMERCIAL MORTGAGE BANK «IOTEKA BANK» AND ITS SUBSIDIARIES

**Consolidated Financial Statements and Independent Auditor's Report
For the Year Ended 31 December 2020**

| Consolidated Statement of Financial Position as at 31 December 2020 | | |
|--|-------------------|-------------------|
| In millions of Uzbekistan Soums | 31 December 2020 | 31 December 2019 |
| ASSETS | | |
| Cash and cash equivalents | 5,147,641 | 2,630,173 |
| Due from other banks | 1,810,524 | 845,018 |
| Loans and advances to customers | 24,345,221 | 19,839,756 |
| Debt securities at amortized cost | 776,819 | 131,149 |
| - Held by the Group | 362,545 | 131,149 |
| - Pledged under sale and repurchase agreements | 414,274 | - |
| Financial assets at fair value through other comprehensive income | 4,889 | 6,572 |
| Investments | - | - |
| Investment in associates | 20,354 | 1,964 |
| Premises, equipment and intangible assets | 328,673 | 276,601 |
| Current income tax prepayment | 2,420 | 8 |
| Deferred income tax asset | 71,959 | 57,451 |
| Other financial assets | 14,625 | 5,210 |
| Other non-financial assets | 80,954 | 51,076 |
| TOTAL ASSETS | 32,604,079 | 23,844,978 |
| LIABILITIES | | |
| Due to other banks | 520,151 | 284,533 |
| Customer accounts | 9,211,107 | 7,935,719 |
| Debt securities in issue | 3,148,617 | 14,850 |
| Borrowings from government, state and international financial institutions | 15,117,378 | 11,530,321 |
| Subordinated debt (31 December 2019: Other borrowed funds) | 425,905 | 425,905 |
| Other financial liabilities | 14,718 | 53,050 |
| Other non-financial liabilities | 125,897 | 52,445 |
| TOTAL LIABILITIES | 28,563,773 | 20,296,823 |
| EQUITY | | |
| Share capital | 2,868,205 | 2,815,810 |
| Share subscription reserve | - | - |
| Share premium | - | - |
| Share capital reserve | 122,359 | 90,656 |
| Retained earnings | 1,049,707 | 644,542 |
| Revaluation reserve of financial assets at fair value through other comprehensive income | 35 | (225) |
| Net assets attributable to the Bank's owners | 4,040,306 | 3,550,783 |
| Non-controlling interest | - | (2,628) |
| TOTAL EQUITY | 4,040,306 | 3,548,155 |
| TOTAL LIABILITIES AND EQUITY | 32,604,079 | 23,844,978 |

| Consolidated Statement of Profit or Loss and Other Comprehensive Income for the year ended 31 December 2020 | | |
|---|------------------|------------------|
| In millions of Uzbekistan Soums | 2020 | 2019 |
| Interest income calculated using the effective interest rate | | |
| Interest income | 2,517,060 | 1,927,799 |
| Other interest income | 27,681 | 24,985 |
| Interest expense | (1,134,672) | (917,559) |
| Net interest income before charge for expected credit losses | 1,410,069 | 1,035,225 |
| Charge for credit losses on loans and advances to customers | (609,720) | (274,856) |
| Net interest income | 800,349 | 760,369 |
| Fee and commission income | 312,292 | 255,425 |
| Fee and commission expense | (57,012) | (47,748) |
| Net gain from trading in foreign currencies | 7,259 | 16,727 |
| Net gain from foreign exchange translation | 56,083 | 20,070 |
| Net effect of initial recognition of financial instruments at fair value | 16,095 | - |
| Loans and advances to customers | (39,644) | - |
| Borrowings from government, state and international financial institutions | 55,739 | - |
| Dividend income | 1,960 | 181 |
| Impairment charge on other financial assets and contingencies | (9,460) | (5,774) |
| Other operating income | 48,141 | 31,127 |
| Administrative and other operating expenses | (665,161) | (619,152) |
| Share of result of associates | 354 | (276) |
| Profit before tax | 510,900 | 410,949 |
| Income tax expense | (105,251) | (71,682) |
| Profit for the year from continuing operations | 405,649 | 339,267 |
| DISCONTINUED OPERATIONS | | |
| Loss for the year from discontinued operations | (484) | (249) |
| NET PROFIT FOR THE YEAR | 405,165 | 339,018 |
| Profit attributable to: | | |
| - Owners of the Bank | 405,165 | 339,219 |
| - Non-controlling interest | - | (201) |
| NET PROFIT FOR THE YEAR | 405,165 | 339,018 |
| <i>Items that are or may be reclassified subsequently to profit or loss:</i> | | |
| <i>Fair value adjustment on financial assets at fair value through other comprehensive income</i> | | |
| | 325 | 656 |
| <i>Tax effect</i> | | |
| | (65) | (150) |
| Total other comprehensive income for the year | 260 | 506 |
| TOTAL COMPREHENSIVE INCOME FOR THE YEAR | 405,425 | 339,524 |
| Total comprehensive income attributable to: | | |
| - Owners of the Bank | 405,425 | 339,725 |
| - Non-controlling interest | - | (201) |
| TOTAL COMPREHENSIVE INCOME FOR THE YEAR | 405,425 | 339,524 |
| Basic and diluted earnings per ordinary share in UZS | 0.14 | 0.12 |

| Consolidated Statement of Changes in Equity for the year ended 31 December 2020 | | | | | | | | | |
|---|------------------------------------|----------------------------|---------------|-----------------------|-------------------|--|------------------|--------------------------|------------------|
| In millions of Uzbekistan Soums | Attributable to owners of the Bank | | | | | | Total | Non-controlling interest | Total equity |
| | Share capital | Share subscription reserve | Share premium | Share capital reserve | Retained earnings | Revaluation reserve of financial assets at fair value through other comprehensive income | | | |
| 31 December 2018 | 983,979 | 124,723 | 754 | 60,873 | 443,726 | (731) | 1,613,324 | (1,199) | 1,612,125 |
| Net profit / (loss) for the year | - | - | - | - | 339,219 | - | 339,219 | (201) | 339,018 |
| Other comprehensive income for the year | - | - | - | - | - | 506 | 506 | - | 506 |
| Total comprehensive income / (loss) for the year | - | - | - | - | 339,219 | 506 | 339,725 | (201) | 339,524 |
| Share subscription deposit - ordinary shares | - | - | - | 90,501 | - | - | 90,501 | - | 90,501 |
| Ordinary shares issued | 477,907 | (124,723) | - | (60,718) | - | - | 292,466 | - | 292,466 |
| Dividends declared - ordinary shares | - | - | - | - | (111,580) | - | (111,580) | - | (111,580) |
| Conversion of debt into equity by the shareholder, net of tax | 1,353,924 | - | (754) | - | (26,823) | - | 1,326,347 | - | 1,326,347 |
| Share decrease in subsidiaries with non-controlling interest | - | - | - | - | - | - | - | (1,228) | (1,228) |
| 31 December 2019 | 2,815,810 | - | - | 90,656 | 644,542 | (225) | 3,550,783 | (2,628) | 3,548,155 |

| Consolidated Statement of Changes in Equity for the year ended 31 December 2020 | | | | | | | | | |
|---|------------------------------------|----------------------------|---------------|-----------------------|-------------------|--|------------------|--------------------------|------------------|
| In millions of Uzbekistan Soums | Attributable to owners of the Bank | | | | | | Total | Non-controlling interest | Total equity |
| | Share capital | Share subscription reserve | Share premium | Share capital reserve | Retained earnings | Revaluation reserve of financial assets at fair value through other comprehensive income | | | |
| 31 December 2019 | 2,815,810 | - | - | 90,656 | 644,542 | (225) | 3,550,783 | (2,628) | 3,548,155 |
| Net profit for the year | - | - | - | - | 405,165 | - | 405,165 | - | 405,165 |
| Other comprehensive income for the year | - | - | - | - | - | 260 | 260 | - | 260 |
| Total comprehensive income for the year | - | - | - | - | 405,165 | 260 | 405,425 | - | 405,425 |
| Share subscription deposit - ordinary shares | - | - | - | 120,834 | - | - | 120,834 | - | 120,834 |
| Ordinary shares issued | 52,395 | - | - | (52,395) | - | - | - | - | - |
| Disposal of subsidiaries and associates with non-controlling interest | - | - | - | (36,736) | - | - | (36,736) | 2,628 | (34,108) |
| 31 December 2020 | 2,868,205 | - | - | 122,359 | 1,049,707 | 35 | 4,040,306 | - | 4,040,306 |

| Consolidated Statement of Cash Flows for the year ended 31 December 2020 | | |
|--|--------------------|--------------------|
| In millions of Uzbekistan Soums | 2020 | 2019 |
| Cash flows from operating activities | | |
| Interest received | 2,152,149 | 1,902,701 |
| Interest paid | (1,082,145) | (890,055) |
| Fees and commissions received | 301,801 | 250,506 |
| Fees and commissions paid | (57,012) | (47,748) |
| Insurance operations income received | 28,766 | - |
| Insurance operations expense paid | 868 | - |
| Income received from trading in foreign currencies | 7,259 | 16,727 |
| Other operating income received | 17,188 | 30,736 |
| Staff costs paid | (438,436) | (428,668) |
| Administrative and other operating expenses paid | (121,419) | (145,233) |
| Income tax paid | - | (1,519) |
| Cash flows from operating activities before changes in operating assets and liabilities | 809,019 | 687,447 |
| Net increase in due from other banks | (930,341) | (310,957) |
| Net increase in loans and advances to customers | (3,927,711) | (4,547,218) |
| Net (increase) / decrease in other financial assets | (857) | 3,265 |
| Net increase in other non-financial assets | (19,655) | (2,803) |
| Net increase in due to other banks | 214,680 | 283,008 |
| Net increase in customer accounts | 1,027,619 | 541,685 |
| Net decrease in other financial liabilities | (43,874) | (9,258) |
| Net increase / (decrease) in other non-financial liabilities | 8,306 | (3,171) |
| Net cash used in operating activities | (2,862,814) | (3,358,002) |
| Cash flows from investing activities | | |
| Purchase of premises, equipment and intangible assets | (132,199) | (94,808) |
| Proceeds from disposal of premises, equipment and intangible assets | 6,116 | 8,381 |
| Purchase of financial assets at fair value through other comprehensive income | (4,611) | (132) |
| Purchase of associates (incorporation) | (20,000) | - |
| Purchase of debt securities at amortized cost | (798,333) | (378,846) |
| Proceeds from debt securities at amortized cost | 168,856 | 402,925 |
| Dividend income received | 1,960 | 181 |
| Net cash used in investing activities | (778,211) | (62,299) |
| Cash flows from financing activities | | |
| Issue of ordinary shares | - | 292,466 |
| Proceeds from borrowings from government, state and international financial institutions | 3,537,310 | 5,050,437 |
| Repayment of borrowings from government, state and international financial institutions | (743,373) | (591,249) |
| Proceeds from issue of debt securities | 3,088,154 | 7,750 |
| Repayment of debt securities in issue | - | (2,900) |
| Dividends paid | - | (111,457) |
| Share decrease in subsidiaries' non-controlling interest | - | (1,228) |
| Proceeds from stock subscription | - | 840 |
| Net cash from financing activities | 5,882,091 | 4,644,659 |
| Effect of exchange rate changes on cash and cash equivalents | 276,469 | 90,453 |
| Net increase in cash and cash equivalents | 2,517,535 | 1,314,811 |
| Cash and cash equivalents at the beginning of the year after allowance for expected credit losses | 2,630,173 | 1,315,362 |
| Change in allowance for expected credit losses | (67) | - |
| Cash and cash equivalents at the end of the year after allowance for expected credit losses | 5,147,641 | 2,630,173 |



«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АТБ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ҲАМДА ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРНОМА

2021 йил 29 июнь куни соат 10.00 дан бошлаб «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг акциядорлари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Акциядорлар 2021 йил 29 июнь куни соат 9.00 дан 10.00 гача рўйхатга олинди.
Банк жойлашган манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Банк кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи.
4. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг 2020 йилдаги фаолияти натижалари, шу жумладан, бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича банк бошқарувининг ҳисоботи ва 2021 йилга белгиланган устувор вазифалар тўғрисида.
5. Банкнинг 2020 йилдаги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
6. Банкнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Банкнинг 2020 йил фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

8. Банк кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари таркибини сайлаш ҳамда тасдиқлаш.
9. Банк бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш тўғрисида.
10. Банкнинг ташкилий тузилмасига ўзгариш киритиш тўғрисида.
11. Банк ходимлари сонини мақбуллаштириш тўғрисида.
12. Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича оддий акцияларга ҳисобланган дивидендларни қайта кўриб чиқиш.
13. Акциядорлар томонидан белгиланган даъво муддатига талаб қилиб олинмаган дивидендларни банк ихтиёрида қолдириш тўғрисида.
14. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини муस्ताқил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
15. Банкнинг 2020 йил фаолияти якунлари бўйича банк тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш.
16. Банкнинг 2021 йил учун банк фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш

мақсадида аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат, вакиллари эса белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишоннома билан келишлари шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2021 йил 23 июнь ҳолатига кўра тузилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ кузатув кенгашининг 2021 йил 7 июндаги қарорига асосан:

1. Умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида банк акциядорларининг хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2021 йил 7 июнь.
2. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2021 йил 23 июнь.

Мурожаат учун телефон: 78-150-76-65.

Банк кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси Кўмита раиси Ш. Ғ. Бафавегга падали бузуқворни **Ғофур БАҒАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси Қорақалпоғистон давлат университети ректори Ахмед Реймовга отаси **Мамбетқарим РЕЙМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА

РАҲБАРЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ КОМПЛЕКС ТИЗИМИ ИШГА ТУШДИ

2-расм

Мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бир-бирини такрорловчи ҳамда ўз ваколатларига доир бўлмаган ортиқча вазибалар билан шуғулланиш, ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат бошқаруви ва ҳўжалик функцияларини бирга қўшиб олиб бориш амалиётидан воз кечиш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш давлат бошқарувини

модернизациялашда устувор мақсадлар этиб белгиланган. Қабул қилинган стратегик ва дастурий ҳужжатларда соҳани ривожлантириш бўйича аниқ марралар кўзланмоқда. Бу давлат хизматининг ҳар бир йўналишида иш ташкил этишни тубдан қайта қўриб чиқишни тақозо қилади. Хусусан, эндиликда эскича бошқарув усуллари билан янги Ўзбекистонни қўриб бўлмайди. Бошқача айтганда, бугунги қўйилган талабнинг ўзи ҳар бир соҳада замонавий бошқарув усуллари жорий қилишни талаб этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг янги тарихи

Айнан шу мақсадда мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 октябрдаги Фармонида асосан давлат фуқаролик хизмати ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб бориш, замонавий бошқарув усуллари қўллаш орқали давлат хизматчилари фаолияти натижадорлигини ошириш, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга масъул бўлган **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги** ташкил этилди.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ижро ҳоқимияти тизимида замонавий бошқарув усулларига ўтиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Хусусан, давлат раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида қўйилган алоҳида таъкидлади: **“Амалий натижадорлик ва халқ манфаатларини рўёбга чиқариш ҳар бир Ҳукумат аъзоси фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши шарт...”**

Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларидан бошлаб ижро ҳоқимияти органларининг барча даражадаги раҳбар ва ходимлари фаолиятига натижадорлик мезонлари (КР) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу тизимни халқаро рейтинг ва индекс кўрсаткичлари билан уйғунлаштириш талаб этилади. Бинобарин, улардаги баҳолаш мезонларининг барчаси халқимизнинг мушуқлини осон этишга хизмат қилади”.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги томонидан маҳаллий ҳоқимликлар раҳбар-

лари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КР, ЭМСК) асосида баҳолаш тизими жорий этилди.

Жумладан, 2020 йилнинг 1-чорагида 12 та туман ва шаҳар ҳоқимликларида эксперимент сифатида бошланган баҳолаш тизими йил якунида республиканинг барча туман ва шаҳарларида татбиқ қилинди.

Баҳолаш тизимига кўра, эндиликда туман (шаҳар) ҳоқими ва унинг ўринбосарлари фаолияти аввалдан белгиланган аниқ кўрсаткичлар (амалда 72 та) ҳамда мақсадли индикаторлар асосида ҳар чорада баҳолаб борилмоқда. Энг муҳими, кўрсаткичлар ҳар бир ҳоқим ўринбосари кесимида белгиланган бўлиб, ҳар бир раҳбарнинг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва эришган натижаларини аниқ белгилаш имконини беради.

Шу билан бирга, ҳар бир ҳоқим ўринбосарларининг эришган натижаларини жамлаш асосида ҳоқим фаолиятига баҳо берилди. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, туман (шаҳар) ҳоқимликларида жамоавий муҳитни шакллантириб, умумий натижа учун бутун ҳоқимлик ташкилий тизим имкониятларини сафарбар этишга туртки бўлади.

Баҳолаш тизимининг амалиёт билан уйғунлашиши натижасида ҳар чорада барча туман (шаҳар) ҳоқимлари ва улар ўринбосарларининг рейтингни шакллантириб борилмоқда. Бу маҳаллий ҳоқимликлар раҳбарлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, уларнинг ўзаро мусобақалашуви асосида юқори натижаларга эришишни рағбатлантирмоқда.

Баҳолаш тизимини жорий этиш босқичидаги яна бир янгилик, бу маҳаллий ҳоқимликлар фаолиятига бевосита аҳолининг ўзи ва маҳалла раислари томонидан баҳо бериш амалиётининг йўлга қўйилганидир.



Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожаатномасида **ислохотларнинг натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилиши, шунинг учун барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва улarga ечим топиши, одамлар сезадиган натижа таъминлаши шартлиги ҳамда бундан бўён маҳалладаги ишларнинг аҳволи вазирлик, идоралар ва ҳоқимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлишини** қайд этганди. Ушбу топшириқ ҳамда кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳоқимликлар фаолиятини баҳолаш тизимида нафақат самарадорлик кўрсаткичлари, балки аҳоли ва маҳалла раисларининг қониқшини ҳам ақс эттирувчи механизмлар жорий қилинди.

Яъни эндиликда баҳолаш бўйича шакллантирилган рейтингда аҳоли ҳамда маҳалла раислари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам инobatга олинмоқда. Бунда якуний баҳолашнинг 50 фоизини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (ЭМСК) ташкил этса, 30 фоизи аҳоли ўртасида ва 20 фоизи маҳалла раислари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари асосида шакллантирилмоқда (1-расм).

ТУМАН (ШАҲАР) ҲОҚИМЛАРИ ВА УЛАР ЎРИНБОСАРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЭНГ МУҲИМ САМАРАДОРЛИК КўРСАТКИЧЛАРИ (ЭМСК, КР) АСОСИДА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

1-расм



Табиий савол туғилади: **амалда жорий этилган баҳолаш тизими ўзини қанчалик оқламоқда? Кутилганидек натижадорлик ошди ми ёхуд амалдаги яна бир бюрократик жараённи юзага келтирдими?** Бу борада агентлик томонидан ўтказилган таҳлиллар натижасида баҳолаш тизими ҳаётга татбиқ қилинган худудларда тегишли кўрсаткичларнинг яхшиланганини кўриш мумкин (2-расм).



3-расм

Таҳлилнинг давом эттириб, худудларда ЭМСК асосида баҳолаш тизими жорий қилингандан кейинги ўзгаришлар солиштирилганда ҳам тегишли туман (шаҳар) ҳоқимликлари фаолиятида натижадорлик ошганини кўриш мумкин (Дастлаб эксперимент тарзида баҳолаш тизими жорий этилган 12 та туман (шаҳар)нинг 2020 йил 1-чорақ ва 3-чорақдаги натижаларининг солиштирмаси 3-расмда).



4-расм

Баҳолаш натижалари туман ва шаҳарларда ҳоқим ўринбосарларининг 432 нафари (**36,5 фоиз**) ўз фаолиятини самарасиз, 376 нафари (**31,8 фоиз**) ўртача ва 375 нафари (**31,7 фоиз**) самарали йўлга қўйганини кўрсатди. Қайд этиш лозимки, мазкур кўрсаткичлар худудларда иш ташкил қилиш ва раҳбарларнинг мазкур соҳадаги билим ҳамда кўникмалари етарли муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Ушбу муаммоларни ўрганиш ва ҳоқим ўринбосарларининг билим ҳамда кўникмаларига аниқ таъхис қўйиш мақсадида агентлик томонидан уларнинг **сифат таркиби таҳлили ўтказилди**. Хусусан, тест, 360-даража усулларида сўровнома ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида сўхбатлар ўтказиш орқали ҳоқим ўринбосарларининг билим ва касбий кўникмалари даражаси аниқланди. Натижалар аксарият ҳоқим ўринбосар-

ларида билим ва амалий кўникмалар бугунги кун талабларига мос эмаслигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, агентлик томонидан аниқ таҳлиллар асосида ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда билим ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган малака ошириш курслари ташкил этилди. Машгулотлар жойларга чиққан ҳолда ҳамда онлайн равишда олиб борилди. Курсларда 1 минг 121 нафар туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосари ва 1 минг 189 нафар ҳоқимлик мутахассисининг малакаси оширилди. Бу жараёндаги ташкилий юкларни камайтириш, тезкор ўзгаришлар шароитида давлат хизматчилари малакасини узлуксиз ошириб бориш мақсадида **ilm.argos.uz** электрон платформаси жорий этилди (4-расм). Мазкур платформа орқали ҳозирга қадар 36 минг 137 нафар давлат хизматчиси қамраб олинди, жумладан, ҳоқим ўринбосарларининг малака ошириш курслари ҳам мазкур платформа орқали ташкил қилинди.

Малака ошириш курслари давомида ҳоқим ўринбосарларининг касбий билимлари ва кўникмалари ривожлантирилди. Курсларда энг асосий эътибор уларнинг режалаштириш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилди. Натижада аксарият кўрсаткичлари талаб даражасида бўлмаган ҳоқим ўринбосарлари ўз фаолиятини яхшилаш бўйича ҳаракатлар режалаштиришда аниқ муқддатлар, ижрочилар ва ресурслар белгиланди. Баҳолаш натижаларига кўра, юқори кўрсаткичларга эришган ҳоқим ўринбосарларини рағбатлантириш ва аксинча, натижадорлиги паст бўлганларга нисбатан тегишли таъсир чораларини қўллаш тизимининг тўғри ишлаши ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Айнан шу мақсадда ҳозирги кунда маҳаллий ҳоқимликлар раҳбарлари томонидан юқори натижадорликка эришган туман (шаҳар) ҳоқимлари ўринбосарлари пул ва қиммат-баҳо совғалар билан рағбатлантириб борилмоқда. Шунингдек, куйи кўрсаткиччи қайд қилган 10 дан ортқ туман (шаҳар) ҳоқимлари ўринбосарлари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Бундан ташқари, ҳоқим ўринбосарларини юқори лавозимга тайинлаш масаласини қўриб чиқишда ҳам баҳолаш натижалари инobatга олинмоқда. Бу эса давлат фуқаролик хизматида **меритократия**

Шу билан бирга, ҳозир аксарият аҳоли томонидан ҳоқимликлар фаолиятига ижтимоий тармоқлардаги фикр-мулоҳазалар, ҳоқимларнинг шахси билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисалар асосида баҳо бериб келинади. Бироқ ҳоқимлик раҳбарларининг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича эришаётган натижаларига қараб баҳо бериш кўникмаси ва имконияти кенг жамоатчиликка мавжуд эмас. Айнан баҳолаш жараёнининг рақамлаштирилиши ҳамда очиқ бўлиши маҳаллий ҳоқимликлар фаолияти шифофлигини таъминлаш билан биргаликда, аҳолида худуд раҳбарларига ҳақиқатда эришаётган натижалари асосида комплекс баҳо бериш амалиётини шакллантиради. Бу, ўз навбатида, ўтказилаётган сўровнома натижалари ҳам объектив ва холис бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Алишер ЭРАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Давлат хизматчилари фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш департаменти мудири ўринбосари.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 648. 24 969 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефони орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8784